



ЎЗБЕКИСТОНДА АРХЕОЛОГИЯ ФАНИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИ

Нуралиев Сирожддин

Фарғона давлат университети

Археология йўналиши 1 курс магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8084721>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 20-June 2023 yil

Ma'qullandi: 24-June 2023 yil

Nashr qilindi: 27-June 2023 yil

KEY WORDS

археолог, нумизмат, Давлат
Марказий архиви,
стратиграфик, шарқшунос,

ABSTRACT

мақолада Ўзбекистонда археология фанининг ривожланиши ва уни тараққиётга хисса қўшган олимлар фаолияти тўғрисида сўз боради.

Ўзбекистон худудида, шунингдек бутун Ўрта Осиё худудида археология фанини пайдо бўлиши бевосита Ўрта Осиё худудларини Россия империяси томонидан босиб олиниши билан боғлиқдир. Чунки, Ўзбекистон худудида, шу жумладан бутун Ўрта Осиёда ҳам руслар келгунга қадар археологик қазишмалар олиб борилмаган, халқ орасида “археология” деган тушунча ҳам бўлмаган эди.

Ўрта Осиё шароитида ҳам дастлабки археологик қазишма ишлари деярли Россиядаги каби XIX асрнинг иккинчи ярмида фақат топилмалар топиб коллекциялар йиғиш учун қазишмалар ўтказишни бошлаганлар¹. Ўша даврнинг йирик шарқшунос олимлари, табиатшунослар ва бошқа кўплаб олимларнинг Туркистон худудига келиши билан бу ерда ҳам дастлабки ўлкашунослик, тарихни ўрганиш учун ёзма ва археологик материалларни тўплаш ишлари бошланди. Россиялик йирик шарқшунос олимларнинг бу ерда бошлаган экспедицияларида маҳаллий одамлар ичида турк ва форс тилларини биладиган, араб алифбосида ёзилган қўлёзмаларни ўқий оладиган одамларни олиб юриб биринчидан қадимги тарихимиз бўйича жуда кўплаб материаллар тўплаган бўлсалар, иккинчидан шу маҳаллий аҳоли орасидан чиққан ёшларни археологик қазишмалар олиб бориб тарихни ўрганиш мумкинлигини тушунтиришди.

Худди шундай маҳаллий ҳаваскор ўлкашунослардан бири Акрам Асқаров бўлиб, унинг ўзи савдогар, ипак толаларидан газламалар тўқийдиган хунарманд бўлса ҳам, буларга қўшимча равишда қадимги асори-атиқалардан коллекциялар ҳам тўплаган. Н.И.Веселовский ташкил этган қазув-қидирув ишларида бевосита қатнашган, турли даврга оид тангаларни даври, зарб қилдирган подшонинг номларини жуда яхши билган. Фарғона, Сирдарё, Самарқанд ва Бухородаги экспедицияларда қатнашган. Акрам Асқаровни бемалол биринчи ўзбек археологларидан эди деб қўрқмай айтса

¹ А.Набиев. Тарихий ўлкашунослик. – Т. Ўқитувчи, 1996. – Б. 15-26.

бўлади. Рус шарқшунос олими Н.И.Веселовский Акрам Асқаровга баҳо бериб “Агар Акрам Асқаров бўлмаганда мен бунчалик муваффақиятларга эришмаган бўлар эдим” деб жуда юқори баҳолаган². 1887 йили “Рус археология жамияти” Акрам Асқаровни “Археология ривожига қўшган ҳиссаси учун” кичик кумуш медали билан мукофотлайди. Кўп ўтмай у Париждаги “илмий археология жамиятининг аъзоси” этиб сайланганлиги маълум бўлди³.

Яна бир маҳаллий аҳоли вакилларида бири Мирза Абдулла Бухорий бўлиб, у аслида савдогар – зиёли оиладан чиққан эди. Кўп йиллар давомида археологик ашёларни тўплаш ва уларни ўрганиш билан шуғулланган ва натижада оддий асори-атиқаларни тўпловчи одамдан маҳаллий ўлкашунос, нумизмат ва ҳаваскор археолог даражасига кўтарилган.

Маҳаллий ҳаваскор - нумизмат, самарқандлик ҳаттот Абу Саид Махсум бўлиб, унинг Самарқанд шаҳрининг обидаларидаги кўчирмаларидан Н.И.Веселовский, В.А.Крачковская, А.А.Семёнов каби таниқли шарқшунослар ўз илмий тадқиқотларида фойдаланишган. Ҳатто, Самарқандлик шарқшунос ва археолог олим В.Л.Вьяткинга Улуғбек расадхонасини ўрнини XVI аср вақфномаларини ўрганиб туриб кўрстиб берган ҳам Абу Саид Махсум бўлади. Демак, “тарихий манбаларни ўқиб туриб, у ёки бу ёдгорликни топиш усулини ҳам биринчилардан бўлиб ўзбек зиёлилари ихтиро қилган”⁴, десак хато қилмаган бўламиз.

Абу Тохирхўжа Самарқандийнинг қаламига мансуб бўлган “Самария” асарини 1899 йилда Н.И.Веселовский томонидан форс тилида, 1904 йилда В.Л.Вьяткин томонидан рус тилида нашр қилинишига сабабчи бўлган ҳам Абу Саид Махсум бўлади. Чунки, Абу Саид Махсум биринчи марта бу қўлёзмани топиб, ундан бир нусха кўчириб Н.И.Веселовскийга берган эди⁵. У умрининг охирига қадар В.Л.Вьяткиннинг Афросиёбдаги қазишмаларига бориб турган, аммо оғир хасталикка учраган Абу Саид Махсум расадхона очилгандан кўп ўтмай 1910 йилда вафот этди.

Туркистоннинг Еттисув вилоятида яна бир ҳаваскор археолог Турди Мирғиёсов фаолият юритган бўлиб, у 16 йил давомида асори атиқаларни тўплаган. Уни ўша даврдаги археолог А.А.Диваевга ёзган хати Ўзбекистон Давлат Марказий архивида сақланиб қолган. Унда Тўқмоқ тумани атрофида сақланиб қолган ирригация иншоотлари, кўҳна шаҳар харобалари, у ерда қазишмалар ўтказилганини, у ерда топилган топилмалар тўғрисида ёзгани ҳолда, ёдгорликларни сақлаш ишлари яхши бўлмаётгани, жумладан, маҳаллий аҳоли томонидан обидаларнинг ғиштлари кўчириб олиб кетилаётганлиги тўғрисида хабар қилинади⁶.

Юқоридагилардан кўриниб турибди-ки, бизда бошланган археологик қазишма ишларини ибтидосида маҳаллий аҳолидан чиққан зиёли, ҳаваскор ўлкашунос, ўз халқини тарихини ўрганишни орзу қилган ҳаваскорлар туради.

² А.Набиев. Тарихий ўлкашунослик. – Т. Ўқитувчи, 1996. – Б. 26.

³ М.Х.Исомиддинов. Ўзбекистонда археология фанининг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихи (Олий ўқув юртлари археология ва тарих йўналиши талабалари учун ўқув-услубий кўрсатма). – Фарғона, 2012. – Б. 33.

⁴ М.Х.Исомиддинов. Ўзбекистонда археология фанининг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихи (Олий ўқув юртлари археология ва тарих йўналиши талабалари учун ўқув-услубий кўрсатма). – Фарғона, 2012. – Б. 34.

⁵ А.Набиев. Тарихий ўлкашунослик. – Т. Ўқитувчи, 1996. – Б. 35.

⁶ М.Х.Исомиддинов. Ўзбекистонда археология фанининг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихи (Олий ўқув юртлари археология ва тарих йўналиши талабалари учун ўқув-услубий кўрсатма). – Фарғона, 2012. – Б. 34

В.В.Бартольднинг саъй-ҳаракати билан 1895 йилда Тошкентда Туркистон Археологияси ҳаваскорлари тўғараги ташкил этилди. Бу тўғарак ишларида ўз даврининг йирик шарқшунос ва қадимшунослари В.В.Бартольд, Н.И.Веселовский, М.С.Андреев, А.А.Диваев, Н.С.Ликошин, Н.Г.Маллицкий, Н.П.Остроумов, В.Л.Вяткин, А.А.Семёнов каби атоқли олимлар шуғулланганлар.

Ўрта Осиёнинг қадимги ва ўрта асрлари бўйича йирик мутахассис, археолог олим В.М.Массоннинг фикрича Ўрта Осиё археологиясини шаклланишида Санкт-Петербург шарқшуносларининг ўрни жуда катта бўлган эди. Айниқса В.В.Бартольд, Н.И.Веселовский, А.Ю.Якубовский каби йирик шарқшунослар бошлаган ва А.М.Беленицкий охирига етказган археологик манбалардан тарихни ёритишда фойдаланиш усули “Санкт-Петербург археология мактабига” айланди⁷.

Аммо XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида Туркистон худудининг анчагина қисмида археологик изланишлар олиб бориш билан ўз замонасининг йирик билимдон шарқшунос олимлари шуғулланишган бўлишса ҳам, уларнинг ҳаммаси оддий “коллекция йиғувчи мутахассис” даражасидан нарига ўтмадилар. Бунинг сабаби асосан битта эди. У ҳам бўлса бу “археолог”ларни Ўрта Осиё шароитида оддий тупроқдан ясалган (пахса, хом ғишт, гувалак, синч, ертўла, ярим ертўла ва ҳ.к.) архитектура обидаларини нураши, уларни кўп қатламлиги шароитида пайдо бўлган археологик қатламларни ажрата олмаганликларида, ёдгорликларни тарихий манба сифатида ишлатишни билмаганликларида эди. Бу ишни билиш учун ўша қазилаётган обидани ёдгорлик шаклига киргунга қадар бўлган тарихини тасаввур қила оладиган одамгина бу ёдгорликни қазий олиши, археологик обидани яхлит бино сифатида тасаввур қила олиши мумкин эди. Бунинг учун албатта археолог-мутахассислар керак эди.

Бизнинг худудларимизга келиб қазишмалар олиб борган дастлабки шарқшунос-археологлар Европа худудларидан келганликлари учун улар кўпроқ Қораденгизбўйи, Кавказ, Европанинг жанубий қисмларидагидай тошдан кўтарилган иморатларни қазиб ўрганишган, ёки ўзлари бевосита қатнашмаган бўлсалар ҳам, улар тўғрисидаги маълумотларни чоп этилган адабиётлардан билишар эди. Шунинг учун улар Ўрта Осиёга келиб дастлабки қазишмаларни ўтказишган даврда катта муваффақиятларга эриша олмадилар, чунки улар маҳаллий шароитдаги тупроқдан бўлган иморатларни қолдиғини қазишни билишмас эди.

Ўзбекистонда археология фани ҳатто ўтган асрнинг 30-йилларини охирларигача ўзининг шаклланиш босқичида эди. Бу даврда В.Л.Вяткин Афросиёб ёдгорлигида, Б.П.Денике қадимий Термизда, М.Е.Массон Оҳангарон водийсида ва Амударё бўйидаги Айритомда, Термизда, А.Ю.Якубовский Зарафшон водийси ёдгорликларида, В.А.Шишкин Варахшада, С.П.Толстов ва Я.Ф.Ғуломов Хоразм воҳасида, А.П.Окладников Тешиктош ва Мачай ғорларида, В.В.Григорьев ва А.И.Тереножкин Тошкент вилояти ва Самарқанд шаҳрида қазишмалар олиб бордилар⁸.

Бу олимларнинг аксарият қисми ўз соҳасининг етук дарғалари бўлишса ҳам уларнинг ичида Ўрта Осиё иқлимий шароитидаги тупроқдан бўлган архитектура обидаларини қазиш, ёдгорликни қатламма-қатлам ўрганишнинг энг дастлабки

⁷ М.Х.Исомиддинов. Ўзбекистонда археология фанининг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихи (Олий ўқув юртлири археология ва тарих йўналиши талабалари учун ўқув-услубий кўрсатма). – Фарғона, 2012. – Б. 34.

⁸ М.Х.Исомиддинов. Ўзбекистонда археология фанининг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихи (Олий ўқув юртлири археология ва тарих йўналиши талабалари учун ўқув-услубий кўрсатма). – Фарғона, 2012. – Б. 35.

намуналарини ҳаётга жорий этган дастлабки археологлар бу Г.В.Григорьев, ҳамда А.И.Тереножкин бўладилар. Г.В.Григорьев Самарқанд шаҳридаги Тали-Барзу ёдгорлигида олиб борган қазилмаларидан топилган жуда ҳам яхши, қатламма-қатлам олинган кулолчилик комплекслари ҳозирги пайитгача “тоzza комплекслар” сифатида ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Бундай иш Ўрта Осиё шароитида биринчи мартаба ўтказилганлиги туфайли ва олинган стратиграфик⁹ маълумотлар жуда аниқ даврни кўрсатса ҳам, ўша даврнинг археологиясига катта хизмат кўрсатган Г.В.Григорьев бу маълумотларни аниқ даврини аниқлашда катта хатоларга йўл қўйди. Албатта бу унинг айби эмас, балки археология фанининг илк ривожланиш босқичларидаги тўғри йўлни қидириш эди.

Худди шундай фикрни урушдан кейинги қийинчилик йилларида Самарқанднинг Афросиёб харобаларидаги жарликлар, эски қазилмаларни кесмалари, муҳофаа деворларини тозалаш ва уларни тушуниш ишларини муваффақиятли бажарган, ҳамда бу соҳада йирик тажриба тўплаган олим А.И.Тереножкин тўғрисида ҳам айтса бўлади. Бу олимнинг ўша турли кесмаларни, жарлик ва муҳофаа деворларини тозалаш усуллари билан Самарқанд шаҳри тарихини даврлаштириши ва аниқса унинг олган комплексларини тозалиги ўз кучини ҳозирга қадар йўқотгани йўқ.

Ўзбекистонда археологик билимларни тўпланишида, мамлакатимиз учун кўплаб археолог кадрлар етказиб беришда ҳозирги Миллий университетнинг М.Е.Массон бошчилигидаги археология кафедрасини очилиши (1940 й.), ЎзР ФА қошида дастлаб Археология бўлимини, сал ўтиб тарих ва археология институтини ташкил этилиши (1943 й.), юртимизда қадимшунос мутахассисларни кўплаб пайдо бўлишида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Бу кафедранинг битириб чиққан олимлар ичида Ўрта Осиё тарихи ва археологияси бўйича энг йирик ишларни қилган қадимшунослар - Б.А.Литвинский, В.М.Массон, В.И.Сарианиди, Ю.Ф.Буряков, Э.В.Ртвеладзе, Р.Ҳ.Сулаймонов, Г.В.Шишкина, Б.Д.Кочнев, А.С.Сагдуллаев, З.Усмонова, И.Ахроров, Ш.Пидаев каби олимларни мисол қилиб келтириш мумкин. Айнан шу кафедранинг битириб чиққан олимларни алоҳида қазилма усуллари, археологик материалларни талқин қилиш усуллари бирлиги учун ҳам бу олимларни Ўрта Осиё археологиясининг “Тошкент мактаби” деб аташ расм бўлган¹⁰.

Ўтган асрнинг 30-40 йилларидан археологияга маҳаллий кадрлар кириб кела бошладилар. Бу кадрларнинг энг дастлабки қалдирғочи, ўзбек халқининг таниқли археолог, тарихчиси ва шарқшунос олими, Ўзбекистоннинг қадимги ва ўрта асрлар тарихи бўйича йирик олими, тарих фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, академик Яҳё Ғуломович Ғуломовнинг бутун ҳаёти ватанимизнинг тарих фанини пайдо бўлиши ва тараққиёти билан бевосита боғлиқдир.

⁹ Стратиграфия - (лот. Stratum – тўшамма, қатлам ва *графин*) – геологиянинг Ер пўсти кесимидаги тоғ жинслари мажмуининг шаклланиш изчиллигини ва жойлашган ўрнидаги дастлабки нисбатини ўрганувчи бўлими. Ер органик дунёсининг такрорланмас тараққиётини акс эттирувчи чўқинди қопламлардаги қазилма организмларнинг таркибини аниқлаш ўрганилаётган ётқизиклар ёшини ҳамда ўхшашлигини белгилашда аҳамиятга эга. Стратиграфиянинг асосий вазифаси стратиграфик кесмаларни ажратиш, уларнинг тарқалишини кузатиш, турли кесмаларни ва узилиб бир-биридан узоқлашган кесма булакларини ўзаро киёслашдир. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2004. 8-жилд. – Б. 72.

¹⁰ М.Ҳ.Исомиддинов. Ўзбекистонда археология фанининг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихи (Олий ўқув юрлари археология ва тарих йўналиши талабалари учун ўқув-услубий кўрсатма). – Фарғона, 2012. – Б. 37

Яҳё Ғуломович Ғуломов 1908 йилнинг 1 майида Тошкент шаҳридаги мадраса мударриси оиласида таваллуд топди. Отасидан жуда эрта қолиб, бошланғич қизлар мактабида дарс берадиган онаси қўлида тарбияланади. 1921 йилдан эса, болалар мактаб интернатида, бошланғич таълимнинг 6 синфини тугатгандан кейин эса, халқ таълими йўналишидаги эркаклар институти (1921-1926 йй.)ни тугаллагандан кейин Тошкент шаҳридаги бошланғич мактабда дарс беради.

1921-1930 йилларда Яҳё Ғуломович ўша даврлардаги Ўзбекистоннинг биринчи пойтахти Самарқандда ташкилл этилган Ўзбек Давлат педагогика академиясига ўқишга кирган. 1921йилдан 1931 йилгача Я.Ғуломов Халқ Комиссарлари хузуридаги тарих кабинетини ассисенти ва аспиранти, 1933-1940 йилларда эса қадимги ёдгорликлар ва санъатни сақлаш қумитасини (Узкомстарис) илмий ходими ва илмий котиби лавозимларида ишлади. Айнан шу даврлардан Яҳё Ғуломов археологик разведкаларда ва археологик қазишмаларда иштирок этади, ҳамда археология билан яқиндан танишади.

Ўша даврнинг энг йирик тарихчи, шарқшунос ва археологлари билан бирга экспедицияларда бўлиб, уларнинг тажрибаларини ўрганади. 1933 йилда у М.Е.Массон бошчилигидаги Термиз экспедициясида, шарқшунос олим А.Ю.Якубовский ташкил этган Зарафшон экспедициясида, 1936-1938 йилларда эса, С.П.Толстов бошчилигидаги Хоразм экспедициясида бевосита иштирок этади.

1940 йилдан бошлаб Я.Ғуломов Иттифоқ Академияси Ўзбекистон филиалининг бўлим бошлиғи бўлди. 1943 йилдан бошлаб эса, янги ташкил этилган Ўзбекистон ФА Тарих институти филиалининг қадимги ва ўрта асрлар тарихи бўлимининг бошлиғи лавозимларида ишлади.

Я.Ғуломов 1943 йилда “Хева ва унинг ёдгорликлари мавзуида номзодлик, ва 1950 йилда эса, Хоразмни қадимги даврлардан бугунги кунгача суғорилиши тарихи” мавзуида докторлик диссертациясини ҳимоя қилади. 1955 йилда профессор унвонини олади, 1956 йилда ЎзФА мухбир аъзоси, 1966 йилда эса, ЎзФА академиги этиб сайланди. Я.Ғуломов ҳақиқий олим сифатида бирон-бир лавозимга ўтиришни орзу қилмади, шунга қарамай 1956-1959 йилларда ЎзФА тарих ва археология институти директори лавозимида ишлади¹¹.

Я.Ғуломов таланти инсон сифатида, ўзининг юртини тарихини ўрганишга жондидидан интиланлиги туфайли, студентлиги йиллариданоқ уни ўрганишни бошлади. Шунинг учун у Давлат педагогика академиясининг студенти бўлиб ўқиб юрган пайтиданоқ йирик домлаларининг маърузаларини мароқ билан тинглади. Бу даврдаги унинг домлалари қаторига таниқли тарихчилар, шарқшунослар ва маърифатчилар Булат Солиев, Муса Саиджонов, Абдурауф Фитрат кабилар эдилар.

Я.Ғуломовга жуда кўп нарсани ўргатган олимлардан яна бири В.Л.Вьяткин эди. В.Л.Вьяткин аслида Ўрта Осиё шароитида ўсганлиги сабабли маҳаллий ўзбек, тожик тилларидан ташқари араб ва форс тилларини ҳам биладиган, шу билан бирга араб алифбосида ёзилган тарихий манбаларни ўқий оладиган шарқшунос олим эди. Бундан ташқари В.Л.Вьяткин таниқли археолог ҳам эди. Шунинг учун Я.Ғуломов В.Л.Вьяткиндан жуда кўп нарсани ўрганишга ҳаракат қилди. Айниқса Самарқанд шароитида археология бўйича ўрганиши мумкин бўлган ягона устоз ҳам ўша пайитда

¹¹ Т.Мирсоатов, С.Мирсоатова. Ўрта Осиё археологияси. – Фарғона, 2002. – Б. 35.

фақат В.Л.Вьяткин эди. Кейинчалик домла Я.Ғуломовда шарқшунослик фани манбаларини археологик манбалар билан қўшган ҳолда ишлаганлигининг сабабларидан бири ҳам устози В.Л.Вьяткиннинг таъсиридан бўлиши ҳам мумкин.

Я.Ғуломовнинг рус шарқшунос, тарихчи ва археолог олимлари билан доимий мулоқотлари, ёшлигидан бошлаб йирик олимларнинг маърузаларини тинглаганликлари натижасида, ҳаётда ҳам шу устозларнинг йўлидан боришига, тарих, археология, шарқшунослик ва этнография фанларини хулосаларини қўшган ҳолда мақола ва монографиялар ёзишига имкон яратди. Шунинг учун домла Я.Ғуломовни Ўрта Осиёнинг энг йирик археологлари ва шарқшунослари С.П.Толстов, М.Е.Массон, А.Ю.Якубовский, А.М.Беленицкий, А.Н.Бернштам, В.А.Шишкин, М.М.Дьяконов каби йирик олимлари қаторига қўшиш мумкин.

Я.Ғуломов Ўрта Осиё халқлари тарихини ўйлар экан, доимо энг долзарб масала сифатида, халқимиз тарихида ирригацияни ўрни ва ролини жуда яхши тушунганлиги туфайли ҳаётининг жуда катта қисмини айнан ирригация тарихини ўрганишга сарфлади¹². Шунинг учун ҳам ўзининг докторлик диссертациясининг мавзусини ҳам айнан ирригация тарихидан олди. Кейинчалик ҳам ирригация соҳаси бўйича жуда кўплаб шогирдларига номзодлик ва докторлик диссертацияларига мавзуни айнан ирригация тарихидан берди¹³.

Адабиётлар:

1. А.Набиев. Тарихий ўлкашунослик. – Т. Ўқитувчи, 1996. – Б. 15-26.
2. А.Набиев. Тарихий ўлкашунослик. – Т. Ўқитувчи, 1996. – Б. 26.
3. М.Х.Исомиддинов. Ўзбекистонда археология фанининг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихи (Олий ўқув юртлари археология ва тарих йўналиши талабалари учун ўқув-услубий кўрсатма). – Фарғона, 2012. – Б. 33.
4. М.Х.Исомиддинов. Ўзбекистонда археология фанининг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихи (Олий ўқув юртлари археология ва тарих йўналиши талабалари учун ўқув-услубий кўрсатма). – Фарғона, 2012. – Б. 34.
5. А.Набиев. Тарихий ўлкашунослик. – Т. Ўқитувчи, 1996. – Б. 35.
6. М.Х.Исомиддинов. Ўзбекистонда археология фанининг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихи (Олий ўқув юртлари археология ва тарих йўналиши талабалари учун ўқув-услубий кўрсатма). – Фарғона, 2012. – Б. 34
7. М.Х.Исомиддинов. Ўзбекистонда археология фанининг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихи (Олий ўқув юртлари археология ва тарих йўналиши талабалари учун ўқув-услубий кўрсатма). – Фарғона, 2012. – Б. 34.
8. М.Х.Исомиддинов. Ўзбекистонда археология фанининг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихи (Олий ўқув юртлари археология ва тарих йўналиши талабалари учун ўқув-услубий кўрсатма). – Фарғона, 2012. – Б. 35.
9. Стратиграфия - (лот. Stratum – тўшама, қатлам ва графин) – геологиянинг Ер пўсти кесимидаги тоғ жинслари мажмуининг шаклланиш изчиллигини ва жойлашган ўрнидаги дастлабки нисбатини ўрганувчи бўлими. Ер органик дунёсининг такрорланмас тараққиётини акс эттирувчи чўкинди қопламлардаги қазилма

¹² Гулямов Я.Г. История орошения Хорезма с древнейших времен до наших дней. – Т.: АН УзССР, 1957.

¹³ М.Х.Исомиддинов. Ўзбекистонда археология фанининг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихи (Олий ўқув юртлари археология ва тарих йўналиши талабалари учун ўқув-услубий кўрсатма). – Фарғона, 2012. – Б. 37-45.

организмларнинг таркибини аниқлаш ўрганилаётган ётқизиклар ёшини ҳамда ўхшашлигини белгилашда аҳамиятга эга. Стратиграфиянинг асосий вазифаси стратиграфик кесмаларни ажратиш, уларнинг тарқалишини кузатиш, турли кесмаларни ва узилиб бир-биридан узоқлашган кесма булакларини ўзаро қиёслашдир. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2004. 8-жилд. – Б. 72.

10. М.Ҳ.Исомиддинов. Ўзбекистонда археология фанининг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихи (Олий ўқув юртлари археология ва тарих йўналиши талабалари учун ўқув-услубий кўрсатма). – Фарғона, 2012. – Б. 37

11. Т.Мирсоатов, С.Мирсоатова. Ўрта Осиё археологияси. – Фарғона, 2002. – Б. 35.

12. Гулямов Я.Г. История орошения Хорезма с древнейших времен до наших дней. – Т.: АН УзССР, 1957.

13. М.Ҳ.Исомиддинов. Ўзбекистонда археология фанининг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихи (Олий ўқув юртлари археология ва тарих йўналиши талабалари учун ўқув-услубий кўрсатма). – Фарғона, 2012. – Б. 37-45.

